

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

doi

Crossref

31 МАРТ

№26

CONFERENCES.UZ

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 6-ҚИСМ

---

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ-6

---

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART-6

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ЖУРНАЛИСТИКА

**1. Нозима Зарипова, Ҳилола Файзуллаева**
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНВЕРГЕНТ ОАВ ФАОЛИЯТИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ........................................................7

# ЖУРНАЛИСТИКА

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНВЕРГЕНТ ОАВ ФАОЛИЯТИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

**Нозима Зарипова**
(ЎзЖОКУ магистранти)
Илмий раҳбар: **Ҳилола Файзуллаева**

**Аннотация:** Ушбу мақола конвергент ОАВга ўқувчиларнинг бўлган эҳтиёжи, медиа-конвергенция шароитида пайдо бўлган журналистик тамойиллар ва инфратузилмаларни таҳлил қилишга қаратилган.

**Калит сўзлар:** Интернет-ОАВ, аудитория, медиаконвергенция, ОАВ таъсири, жамоатчилик фикри, янги медиа, контент-таҳлил, тажриба.

Конвергент ОАВ анъанавий медиадан фарқли ўлароқ, ўз аудиториясини кенгайтириб бормоқда. 2010 йил давомида республикамиз бўйлаб кўплаб анъанавий ОАВ аудиторияси сезиларли равишда камайди. Шу билан параллель равишда сайт ўқувчилари сони кескин ошди. Ижтимоий тармоқлар ва янгилик (хабар) порталлари, қидириш тизимлари билан бир қаторда, фойдаланувчилар энг кўп мурожаат қилувчи манбаа бўлиб хизмат қилмоқда. Янгиликлар сайтларининг бу каби машҳурлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: бир янгилик орқали сайтга ташриф буюрган фойдаланувчи умумий саҳифада 5-10 нафар энг муҳим хабарлар таклиф этилган блокка кўзи тушади ва бу ўқувчини бошқа янгилик орқали сайтда олиб қолади.

Янгилик ва хабарларни бериб борувчи сайтлар Узнет фойдаланувчиларининг деярли 90% эътиборини ўзига қаратиб олмоқда. 10дан 9 нафар фойдаланувчи янгиликлар порталларидан фойдаланади, уларнинг тўртдан бири бу ишни кун давомида бир неча бор такрорлашади. Интернет фойдаланувчиларнинг фақатгина 11,3% янгиликлар сайтларидан фойдаланмайди.

Замонавий маҳаллий интернет-ОАВлар хорижий нашрлар изидан бориб, конвергент журналистика тамойилларини ўзлаштирмоқда. Рақамли технологияларнинг ўзаро алоқаси Интернет-ОАВдаги конвергенция принциплари контентни турли медиаканаллар орқали тарқатиш имконини беради. Фойдаланувчи ўзига қулай бўлган контентни бир жойда — интернет-ОАВда танлаши мумкин: матн ўқиш, аудио файл ёки радио тинглаш, видеони ёки фотосуратларни томоша қилиш.

Интернет-ОАВ ҳамда фойдаланувчи ўртасидаги муносабатларнинг янги ғояси шундаки, ўқувчи ОАВга эмас, медиа ижтимоий тармоқлар ёрдамида фойдаланувчининг «ҳаёт доирасига» киришга ҳаракат қилади. Бунинг оқибатида ўқувчилар аудиторияси кенгаяди, содиқ ўқувчилар сони ортади ва уларни «бренд ёнида» ушлаб қолиш осонроқ бўлади. Интернет-ОАВлари материаллар ҳаволаларини «вирусли тарқатишнинг» содда механизмларига эга («Тавсия этаман», «Менга ёқди» ва ҳоказо плагинлари) — авваллари ҳеч бир ижтимоий хизмат бундай ҳажмдаги аудиторияни жалб қила оладиган бу каби тезкор механизмни таклиф қилолмасди. Шундай қилиб, ижтимоий тармоқларда ўқувчилар ядроси (ўзаги) шаклланади ва уни Интернет-ОАВнинг бош саҳифасида «Like» (“Менга ёқди”) тугмасини босган фойдаланувчилар ташкил этади. Бунинг оқибатида янгилик фойдаланувчининг шахсий сахифасида автоматик равишда пайдо бўлади. У эса ўз навбатида ўша янгиликни дўстларига улашиши мумкин — бу ўқувчиларни ушлаб туриш ва аудиторияни кенгайтиришнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Интернет-ОАВ ҳам ўз аудиторияларини яхшироқ тушуниш имкониятига эга бўлади. У бунда унга берилаётган баҳо, изоҳ ва мулоҳазаларга таянади. Маълум мавзулар бўйича янги контентга эга манбаалар очилади: ижтимоий тармоқлар орқали тадбир иштирокчилари ва гувоҳларини, янги-

лик, фото ва видеолавҳаларни топиш мумкин.

Инфратузилма уч даражага бўлинади.[1] Энг кенг — оммавий алоқа воситаси (Интернет); бу индивидлар, ташкилот ва жамиятлар мавжуд аудитория даражаси. Нисбатан тор соҳа — Интернет-ОАВ; бу медиаташкилот нашриёт даражаси. Тизим марказида Интернет-ОАВ журналисти тайёрлаган, конвергентлашган янгилик жойлашади. Бу жараёнда журналист ҳам нашриёт материалларидан, ҳам ташқи ташкилот ва фойдаланувчилардан келиб тушган (матн, фото, видео ёки аудио-контент) материаллардан фойдаланиши мумкин. Янгилик турли рақамли каналлар — бевосита Интернет-ОАВ сайти, ижтимоий тармоқлар, мобил қурилмалар, RSS орқали, рақамли ТВ канал ва бошқалар орқали тарқатилиши мумкин.[2] Ундан кейин оммавий коммуникация воситалари орқали янгилик ижтимоий тармоқдаги каналларга тарқалиши, блогларда муҳокама қилиниши, ўқилиши ва изоҳлари жиҳатидан рейтингларда юқори кўтарилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, аудиторияси нисбатан кенгроқ Интернет-ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг интеграция жараёни оммавий ахборот воситалари тизимида янги тартиб ўрнатилишига умид бермоқда: аудитория учун жавоб бериш имкониятининг тикланиши. Энди фойдаланувчилар нафақат ўзларининг янгилик манбааларини яратишлари, балки йирик Интернет-ОАВлари фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиб, расмий ОАВ етказадиган маълумотни тўлдириш ва қисман ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир томон ўз қарашини, ўз вариантини таклиф қилади: Интернет-ОАВ долзарблик даражасидан келиб чиқиб, янгиликларни саралаб, тасдиқлайди; ижтимоий тармоқлар ўз каналлари орқали шахслар ўртасидаги ўзаро тавсия қилиш механизми ёрдамида янгиликларни тарқатишда иштирок этади, ўз навбатида жараёнда янгилик бойитилади, қўшимча фактлар, изоҳлар, видео, фото ва бошқалар ўртага чиқади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Аладышева К. Ю. Метод социологического эксперимента в журналистике // Информационная политика в регионе: между прошлым и будущим. Саранск, 2003. С. 111–114.

2. Карякина К. А. Особенности журналистского и пользовательского контента в интернете. М., 2011. 170 с.

3. Ru.wikipedia.org

4. Цвик В.Л. История теории, или еще раз об изучении ТВ (о конвергенции в журналистской науке). Вестник Московского университета. – Серия 10 «Журналистика» . – 2009, №4.

[1] Цвик В.Л. История теории, или еще раз об изучении ТВ (о конвергенции в журналистской науке). Вестник Московского университета. – Серия 10 «Журналистика». – 2009, №4.

[2] Карякина К. А. Особенности журналистского и пользовательского контента в интернете. М., 2011. 170 с.

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(6-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000